



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Ўзулгуржисавдоинвест»  
уюшмаси раиси

З.О.Файзиев

2014 йил « 7 » ноябр

**«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси Бошқарувининг 2014 йил январ-сентябр ойлари  
яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишининг  
4-сон баёни**

2014 йил 6 ноябр

Тошкент ш.

**Раислик қилувчи:**

**З.О.Файзиев – уюшма раиси**

**Қатнашганлар:**

**И.Қобилов** – Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг бош мутахассиси;

Уюшма тизимидаги ҳудудий улгуржи савдо базалар раҳбарлари, уюшма раисининг ўринбосари в.в.б. Р.У.Ҳамидбеков, уюшманинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоятларга бириктирилган масъуллар (*рўйхат бўйича*).

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил январ-сентябр ойларида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган мажлисида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида;

2. “Республика ҳудудларида ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдириш мақсадида кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш, совуткичли сиғимларни ташкил қилиш ҳамда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шу билан янги иш ўринларини яратишга қаратилган “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмасининг 2014 йилга мўлжалланган КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ”да таъкидланган топшириқларни бажарилиши ҳақида;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 16 майдаги 03/1-754 сонли топшириғига асосан 2014-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш-баҳор мавсумига ғамлаш учун белгиланган режани ижроси тўғрисида;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги “Иқтисодиётнинг реал секторларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2158 сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарори ижросини бажарилиши ҳақида;

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда барча давлат бошқаруви раҳбарларининг роли, шахсий масъулияти ва жавобгарлиги тўғрисида”ги ЭДО-01-13/1-02 сонли селектор йиғилиш баёнига асосан улгуржи базаларда ижро интизоми, ҳужжатлар билан ишлаш, уларни назорати тўғрисида.

(Файзиев, Ҳамидбеков, Аҳмаджонов, Отабоев, Саатбаев, Бозов, Бекжанов, Умурзоқова, Ҳамраев, Исмоилов, Абдукаимов, Исмоилов, Қодирхўжаев, Холов, Бурхонов, Мухторов, Ҳидоятлов, Миркомиллов, Назаров, Асомов, Турдиев, Раҳматов, Зиятов, Якубов, Маҳмудов, Шомуродов, Расулов, Нуриддинов, Атамов, Отахонов, Жўраев, Носиров, Бакиев, Пўлатов, Базаров, Аҳмеджанов, Султонов, Ишанов, Каримов, Халилов, Эрнарзоров, Анваров, Абдурахмонов, Эргашев, Маматхонов, Гофуров, Шарипов, Аҳмедов, Отабоев, Қурбонов, Равшанов, Ибрагимов, Исамухамедов, Умаров, Юсунов, Джахонгирев, Файзиев)

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Уюшма тизимидаги улгуржи савдо базалар томонидан аҳолини ижтимоий муҳим ва бошқа озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Ўтган давр давомида истеъмолчиларга 176 минг тн. ун, 69 минг тн. ўсимлик ёғи, 30 минг тн шакар, 2,8 минг тонна гуруч 183 тонна хўжалик совуни ва бошқа жами 577 млрд. сўмлик истеъмол товарлари сотилган, шундан 156 млрд. сўмлик маҳсулотлар республиканинг олис қишлоқлари ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларида яшайдиган аҳолига етказиб берилган. Асосий маҳсулотларнинг 82 фоизи савдо шохобчалари орқали базаларни транспорт воситалари ёрдамида марказлаштирилган усулда етказилган. Базаларда ташкил этилган цехларда 22 млрд сўмлик истеъмол товарлари, шу жумладан 8,7 млрд сўмлик озиқ-овқат ва 13,3 млрд сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Тизимдаги дўконлар сони 117 тага кўпайиб, 3017 тага етказилган.

Шунинг билан бирга, ички истеъмол бозорини тўлдириш учун республика маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилари билан кенг турдаги маҳсулотлар харид қилиш учун шартномалар тузиш ва уларни ижросини таъминлашга аҳамият берилмаяпти. Аксарият базалар томонидан ун, ёғ ва шакардан бошқа товар харид қилиш бўйича шартномалар номигагина тузилиб, ижроси таъминланмаяпти.

9 ой давомида, тўлови таъминланмаганлиги сабабли, "Нукус универсал база", "Турон - Хамид", "Шимбайулгуржиинвест" базалари томонидан 266 тонна (6,4%), "Улгуржичаканасавдоинвест"-27,5 тонна, "Сафо савдо инвест"-158 тонна (7,6%), "Озиқ-овқат истеъмол моллари"-133 тонна (26%), "Олмалик гўшт - сут савдо"-107 тонна (15,1%), Фарғона вилоятидаги "Фарғона гўшт-сут савдо", "Қўқон-Баққоллик", "Фарғонаулгуржисавдоинвест", "Қиргули савдо" базалари томонидан 879 тонна (9%), "Хоразмулгуржисавдоинвест" ва "Хазорасп Турон" жамиятлари томонидан 296,4 тонна (6%) ўсимлик ёғи биржадан олинмай қолган. Ажратилган ун ресурсларидан Бухоро вилоятида 99%, Қашқадарё вилоятида 98%, Сурхондарёда 91 фоизи харид қилинган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида 21%, Сирдарё, Андижон Жиззах ва Тошкент вилоятларида 13, Фарғона вилоятида 8 фоизи харид қилинган ҳолос. "Олмалик гўшт - сут савдо" жамияти ойма-ой мунтазам равишда истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни тўлиқ таъминламай келмоқда.

Уюшмага тақдим этилаётган маълумотларда товар турлари ҳам ҳақиқатга нисбатан кўпайтириб кўрсатилмоқда. Товар ассортименти камлиги ҳақидаги танқиддан кўпчилик раҳбарлар хулоса чиқармаяптилар. 1 октябрь ҳолатига 10 та базада товар турлари ўнтага ҳам етмайди. 1 июлда "Турон Хамид" МЧЖда 5 та, Андижон "Тўрткўл" ва "Хазорасп Турон"да 4 турдаги маҳсулот бўлган, ҳозир ҳам бу базаларда аҳвол ўзгармаган.

Ун ва ўсимлик ёғи истеъмолчиларга улгуржи базаларнинг ўз транспорт воситаларида чакана савдо дўконлари орқали етказиб берилиши тўғрисидаги Ҳукумат талаби. "Қорақалпоқгўштсутсавдо", "Турон-Хамид", "Андижонгўштсутсавдо", Андижон "Тўрткўл", "Савдо сотиқ" "Риштон савдо инвест" жамиятларида тўлиқ бажарилмаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ 2014/2015 йил қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш ишлари "Қорақалпоқ гўшт-сут савдо", "Андижон УСИЧ", "Наманган озиқ-овқат истеъмол моллари", "Чирчиқ гўшт-сут савдо", "Олмалик гўшт - сут савдо", "Қўқон-Баққоллик", "Нукус универсал база", "Баракат-Тўрткўл", Андижон "Тўрткўл" жамиятларида суст кетмоқда.

Ун, ўсимлик ёғи биржа орқали тўлиқ харид қилинмагани ҳамда бошқа маҳсулотлар савдосига етарли эътибор берилмаганлиги натижасида умумий товар айланмаси ва соф фойда ҳажмлари ўтган йилга нисбатан 7,5 фоизга камайган.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг жорий йилга режалаштирилган Комплекс чоратадбирлари ҳамда Манзилли дастурининг бажарилиши айрим ҳудудий улгуржи базалар томонидан суст суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида "Нукус универсал базаси" МЧЖ томонидан ишга туширилиши режалаштирилган "Болалар дунёси" мажмуаси, "Бухоро Баққоллик" ХК паррандачилик хўжалиги, "Қашқадарёозиковқатмоллари" АЖ – чорвачилик хўжалигини ташкил этиш, "Қўқон

Баққоллик” МЧЖ томонидан макарон ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш борасида мазкур корхона раҳбарлари зарур даражада эътибор бермаяптилар.

2014 йилда Манзилли дастур доирасида Наманган вилояти, Уйчи туманида (“Сафо савдо инвест” МЧЖ) ва Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида (“Бекободгўштсавдо” МЧЖ) ҳар бири минг тоннадан реконструкция қилинадиган совуткичли сифимларнинг ижросини таъминлаш аҳволи Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 21 октябрдаги 7-сонли ҳамда 28.10.2014 й. 01-03-05-17-сонли баёнларида қаттиқ танқид остига олинган бўлишига қарамай, Ҳукумат топширигининг ижроси ўз вақтида таъминланмаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.1999 йилдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори талаблари ва бу борада 15.07.2014 йилда 01-03/09-02 сонли топшириқлардан келиб чиқадиган вазифалар хусусида бир неча бор муҳокама ва тушунтириш ишлари олиб борилган бўлишига қарамай, айрим корхона раҳбарлари томонидан бу масалага жиддий ёндошилмаяпти.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарори** ижросини таъминлаш мақсадида, Уюшма тизимидаги база ва корхоналарга веб-сайт очиш бўйича 09.09.2014 йилда 02-4/119-сонли хат орқали ҳамда раҳбарият томонидан берилган топшириқларга биноан яратилган веб-сайтларга керакли маълумотларни жойлаштириш, ҳар ҳафта давомида янгиликлар киритиб бориш ишларига умуман эътибор берилмаган.

Ижро интизоми паст даражада бўлган Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги базалар томонидан уюшмага белгиланган маълумотлар ўз муддатларида тақдим этилмаяпти.

Хусусан, Уюшма томонидан ойлик товар айланмаси белгиланган шаклда ҳар ойнинг 3 санасигача тақдим этилиши тўғрисидаги кўрсатма, давлат томонидан ажратилаётган ресурсларни ўзлаштирилиши, товар турлари, омборлардаги товар қолдиқлари, кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари бўйича “Турон Хамид”, “Андижон УСИЧ”, “Тўрткўл” МЧЖ, “Бухоро озик-овқат”, “Сирдарёгўштсавдо”, “Туркистон матлубот инвест”, “Наманганозиковқатагроэкспорт”, “Олмаликгўштсавдо” жамиятлари томонидан маълумотлар мунтазам кечикиб ёки умуман тақдим этилмай қолмоқда.

Мазкур корхона раҳбарлари томонидан ҳужжатлар билан ишлашга етарли эътибор берилмаяпти.

Юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда кўрилган масалалар муҳокамасидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда амалга оширилиши талаб этиладиган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида,

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 октябр “2014 йилнинг I-ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолаш тўғрисида” ги 7-сонли баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.02.06.йилдаги ПФ-3722 сонли Фармони, 30.03.2011 йилдаги ПҚ-1514 сонли қарори ва Ҳукуматнинг қатор қарорлари талаблари, шунингдек ўзаро тузилган келишув-шартнома шартларини сурункали бажармай келаётганлиги ва бу борада бир неча маротаба огоҳлантирилишига қарамай ижобий ўзгариш бўлмаганлиги сабабли, Сирдарё вилоятида фаолият олиб бораётган **“Сирдарёгўштсавдо” МЧЖ** Уюшма тизимидан чиқарилсин.

3. **“Турон Хамид” МЧЖда, Андижон “Тўрткўл” ва “Хазорасп Турон” жамиятларида** товар ассортиментини кенгайтириш ва етарли миқдорда товар захираларини яратиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш учун уларнинг раҳбарлари шахсан жавобгарликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

**4. "Нукус универсал база", "Шимбайулгуржинвест", "Турон - Хамид", "Улгуржичаканасавдоинвест", "Сафо савдо инвест", "Озиқ-овқат истеъмол моллари", "Олмалиқ гўшт - сўт савдо", "Фарғона гўшт- сўт савдо", "Фарғонаулгуржисавдоинвест", "Кўкон-Баққолик", "Киргули савдо", "Хоразмулгуржисавдоинвест" ва "Хазорасп Турон" жамиятлари** томонидан давлат ресурсларидан биржа орқали ажратилаётган ўсимлик ёғини ойма-ой харид қилиб, вақтида истеъмолчиларга етказиб берилиши таъминламаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. 2013/2014 йил қиш-бахор мавсуми учун белгиланган миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш шу йил 25 ноябргача таъминланиши ҳақидаги база раҳбарларининг берган ваъдалари инобатга олинсин.

**6. "Нукус универсал базаси", "Бухоро Баққолик", "Қашқадарёозиковқатмоллари" улгуржи база раҳбарларига:**

Жорий йилга белгиланган Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин ва тадбирларнинг ижросини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш тавсия этилсин.

**7. "Сафо савдо инвест", "Бекободгўштсўтсавдо" жамиятлари раҳбарларига:**

2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга мувофиқ, совуткичи сифимларнинг ўз вақтида ишга туширилиши таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Объектларни йил якунига қадар ишга тушириш учун барча мавжуд ресурсларни сафарбар этиш, зарур даражадаги назоратни ташкил этиш ҳамда таъсирчан чоралар кўриш, ақс ҳолда корхона раҳбарларига нисбатан шахсий интизомий чоралар кўриш бўйича Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳокимларига тавсия хати йўлланиши ҳақида огоҳлантирилсин.

**8. "Қорақалпоқгўштсўтсавдо", "Нукус универсал базаси", "Турон Хамид", "Баракат Тўрткўл", "Тўрткўл УУСБ", "Шимбайулгуржинвест" жамиятлари раҳбарларига:**

- Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 ноябрдаги 01-05/1-3 сонли йиғилиш баёнига асосан Нукус шаҳри "Дўстлик" каналига ёндош ҳудудда замонавий "Болалар дунёси" савдо мажмуасини қурилиш ишларини жадаллаштириш ва йил якунига қадар фойдаланишга топшириш мақсадида, лойиҳа ташаббусқори бўлган "Нукус универсал базасига" имконият даражасида амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

**9. "Сурхондарёозиковқатмоллари" ҳудудий улгуржи савдо базаси раҳбарига:**

Жорий йилда вилоят бошқармаси ҳамда коллеж раҳбарияти билан боғланган ҳолда, бириктирилган "Бандихон" касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнидаги 38 нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ва натижалари бўйича Уюшмага маълумот бериш топширилсин.

**10. Устав фондида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари раҳбарларига:**

Давлат активлари бўйича ишончли бошқарувчининг 2014 йил 3 чорак ҳисоботларида умумий товар айланмаси бўйича бизнес-режа "Олмалиқгўштсўтсавдо" МЧЖда 59 фоизга "Сурхондарёозиковқатмоллари" ОАЖда 81 фоизга, "Фарғонагўштсўтсавдо" ОАЖ да 88 фоизга бажарилганлиги кўрсатиб ўтилсин ва йил якунига бизнес-режа кўрсаткичларини яхшилаш бўйича барча зарурий чораларни кўришлари тавсия этилсин.

Устав фондида давлат улуши мавжуд корхоналар ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 июлда рўйхатга олинган 1394-сонли Низомга 2013 йил 28 ноябрда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тайёрланишига алоҳида эътибор берилсин.

11. 2014 йилга, ҳусусан жорий йилнинг II-ярим йиллигига мўлжалланган Уюшманинг устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Комплекс чора-тадбирларида белгиланган топшириқларни ўз муддатида бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳудудий улгуржи савдо база раҳбарларининг берган ваъдалари ва қафолат хатлари Уюшманинг вилоятларга бириктирилган масъул ходимлари томонидан жиддий назоратга олинсин ва вужудга келаётган муаммолар юзасидан раҳбариятга тегишли таклифлар киритиб борилсин.

## 12. Уюшма тизимидаги улгуржи савдо базалари раҳбарларига:

- давлат ресурсларидан ажратилаётган асосий маҳсулотларни ўсимлик ёғини сотилишини тартибга солиш бўйича “Назорат механизми” талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, ойма-ой тўлиқ миқдорда харид қилиб, истеъмолчиларга марказлаштирилган усулда етказиб берилишини таъминлаш;

- биржа савдолари орқали харид қилинадиган ун, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларини бевосита чакана савдо дўконлари орқали аҳолига етказиб берилишини таъминлаш, ҳамда муомала харажатларини камайтириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, база билан шартнома асосида ишловчи фирма дўконлар тармоғини кенгайтириш;

- омборларда ва чакана савдо дўконларида ун, ўсимлик ёғи ва шакардан бошқа озиқ-овқат товарлари ассортиментини кенгайтириш чораларини кўриш;

- 2014/2015 йил қиш-баҳор мавсумига заҳира қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жорий йилнинг 25 ноябригача белгиланган ҳажмлар ва маҳсулот турлари бўйича тўлиқ миқдорда омборларга ғамланишини таъминлаш;

- жорий йил 20 декабрдан 2015 йил 10 январгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан байрамолди савдо ярмаркаларини ташкил этиш учун зарур маҳсулот заҳираларини яратиш;

- корхона қошида очилган ишлаб чиқариш цехлари қувватларидан унумли фойдаланиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган ҳамда 2014 йил дастурига киритилган бошқа янги цехлар ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги 105-сон қарори, “Ўзлугуржисавдоинвест” уюшмасининг 2014 йилга мўлжалланган Комплекс дастуридаги белгиланган тадбирлар, мақсадли кўрсаткичларни, масъулият билан ёндошган ҳолда, муддатларида бажарилишини таъминлаш, ушбу масалалар бўйича Уюшманинг Бош бошқармасига ҳисобот бериб борилишини жиддий назоратга олиш;

- Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан республикада чоп этилаётган “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Қишлоқ ҳаёти” газеталарига ҳамда “Маънавий ҳаёт” журнаliga 2015 йил учун белгиланган нусхада обуна ташкил этиш ва **жорий йилнинг 1 декабрига** қадар обуна тўлиқ ташкил этилганлиги тўғрисида асосли маълумотларни Уюшмага тақдим этиш;

- ҳар чорак якуни билан ўтказиладиган жамоа йиғилишларида ижро интизоми аҳволини муҳокама этиб бориш;

- 2013 йил молиявий-хўжалик фаолиятини танқидий таҳлил этиб, корxonанинг товар айланмаси ва рентабеллик даражасини кескин кўтариш тадбирларини амалга ошириш;

- ходимлар ўртача ойлик маошини камида энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баробарига етказиш;

- яратилган веб-сайтларни **ҳар ҳафтада** маълумотлар ва янгиликлар билан тўлдириб борилиши устидан назорат ўрнатиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан Уюшмага “[uzsavdo@exat.uz](mailto:uzsavdo@exat.uz)”, “[uzsavdo@umail.uz](mailto:uzsavdo@umail.uz)” электрон почталари орқали ахборот бериб бориш **тавсия этилсин.**

## 13. Уюшманинг бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабр “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 355-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, бошқарма ва бўлимлар томонидан **ҳар ҳафтада** расмий веб-сайт учун амалга оширилган ишлар тўғрисида “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими”га раис ўринбосари в.в.б. Р.У.Ҳамидбеков билан келишилган ҳолда, ёзма ва электрон кўринишдаги маълумотлар тақдим этиб бориш;

- Уюшма марказий девонига келган ва электрон ҳужжат тизими орқали бўлинмаларга юборилган ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя этган ҳолда кўриб чиқишни ташкил этиш топширилсин.

**14. Озиқ-овқат товарлари ва мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, сотиш фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Аҳмаджонов)га:**

- давлат ресурсларидан ажратилаётган ун ва ўсимлик ёғи маҳсулотларини ойма-ой тўлиқ миқдорда харид қилиб, истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш юзасидан ҳафталик мониторинг ўрнатиш. Муайян ойга ажратилган ун, ёғ маҳсулотларини вақтида ва тўлиқ харид қилинишини таъминламаган базаларга ажратилган маҳсулотларнинг ой давомида биржадан ўзлаштирилмаган қисмини бошқа базалар орқали харид қилиб, истеъмолчиларга етказиб берилишини ташкиллаштириш;

- 2014/2015 йил қиш-баҳор мавсумига заҳира қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жорий йилнинг 25 ноябригача белгиланган ҳажмлар ва маҳсулот турлари бўйича тўлиқ миқдорда омборларга ғамлаш ишларини мониторингини ташкил этиш ва натижаси бўйича Уюшма раҳбариятига маълумот тақдим этиб бориш;

- жорий йил 20 декабрдан 2015 йил 10 январгача Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан байрамолди савдо ярмаркаларини ташкил этиш учун зарур маҳсулот заҳираларини яратилишини назорат қилиш ва ярмаркаларни ташкиллаштириш топширилсин.

**15. Бош бошқарма бошлиғи (Асамов)га:**

- “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмасининг 2014 йилга мўлжалланган Чора-тадбирлар режаси ва Манзилли дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда йўл қўйилган қолоқликни жойларда ўрганиб чиқиб, зарур ҳолда ҳокимликларнинг мутасадди ходимларини жалб этган ҳолда, уларни бартараф этиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига тегишли таклифлар тақдим этиш;

- тасдиқланган жадвал асосида бир ҳафта муддатда тизимдаги корхона раҳбарлари билан Уюшма раҳбарияти ҳузурида жорий йилга белгиланган дастурлардаги тадбирларни амалга оширилишини тезлаштириш бўйича ҳамда 2015 йилга мўлжалланган Комплекс чора-тадбирлар режаси ва Манзилли дастур лойиҳаларидаги прогноз параметрларини ҳудудлар бўйича муҳокама этиш топширилсин.

**16. Бош бошқарма (Ш.С.Асамов, Г.Қ.Умурзоқова) га**

- ижро интизоми, ҳужжатлар билан ишлаш ва уларнинг назорати масаласида, зарур ҳолда, улгуржи базаларнинг мурожаатларига асосан амалий ёрдам кўрсатиш;

- касб-хунар коллежларининг 2014 йил битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича берилган топшириқни 01.12.2014 йилга қадар ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан тегишли ишларни амалга ошириш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва “Марказ”га маълумот тақдим этиш топширилсин.

17. Ушбу мажлис қарори ижросини назорат қилиш Уюшма раисининг ўринбосари в.в.б. Р.У.Ҳамидбеков ва бошқарма бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

